

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Т.03.02 РАҚАМЛИ ИЛМЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

САФАРОВ ЭЛЁРБЕК ХАСАНОВИЧ

**КУНГАБОҚАР ДОНЛАРИНИ ҚУРИТИШ УЧУН
КОМБИНАЦИЯЛАШГАН ЭНЕРГИЯ ТЕЖАМКОР АППАРАТ
ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**02.00.16 – Кимё технологияси ва озиқ-овқат ишлаб чиқариш жараёнлари ва
аппаратлари (техника фанлари)**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Сафаров Элёрбек Хасанович

Кунгабоқар донларини қуритиш учун комбинациялашган энергия тежамкор аппарат ишлаб чиқиш.....3

Сафаров Элёрбек Хасанович

Разработка комбинированного энергосберегающего аппарата для сушки семян подсолнечника.....21

Safarov Elyorbek Xasanovich

Development of combined energy-saving apparatus for drying sunflower seeds.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works42

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Т.03.02 РАҚАМЛИ ИЛМЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

САФАРОВ ЭЛЁРБЕК ХАСАНОВИЧ

**КУНГАБОҚАР ДОНЛАРИНИ ҚУРИТИШ УЧУН
КОМБИНАЦИЯЛАШГАН ЭНЕРГИЯ ТЕЖАМКОР АППАРАТ
ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**02.00.16 – Кимё технологияси ва озиқ-овқат ишлаб чиқариш жараёнлари ва
аппаратлари (техника фанлари)**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.3.PhD/Т1582 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат техника университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tdtu.uz) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Мухитдинов Джалолитдин Пахритдинович техника фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Нурмухаммедов Ҳабибулло Саъдуллаевич техника фанлари доктори, профессор Ташбаев Назим Тулаевич техника фанлари номзоди, доцент
Етакчи ташкилот:	Бухоро муҳандислик-технология институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Т.03.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «04» 02 соат 11⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2. Тел.: (99871) 246-46-00; факс: (99871) 227-10-32; e-mail: tstu_info@tdtu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат техника университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (299 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2. Тел.: (99871) 207-14-70).

Диссертация автореферати 2023 йил «18» 01 кун тарқатилди.
(2022 йил «14» 12 даги 1 рақамли реестр баённомаси).




Н.Р.Юсупбеков
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
т.ф.д., профессор, академик


У.Ф.Мамиров
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби,
т.ф.д., доцент


Ш.М. Гулямов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда сўнги вақтларда қишлоқ хўжалигида йиғиштириб олинган ўсимликларнинг дон ва уруғларини, жумладан, кунгабоқар донларини сифатли қуритиш учун самарадорлиги юқори ва энергия тежамкор комбинациялашган аппаратларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Қуритгичларнинг хос афзалликларини ўзида жамлаган, хавфсизлиги юқори, қуритилаётган дон ва уруғлар сифатига салбий таъсир қилмайдиган, энергия тежамкор, ихчам, стационар ва кўчма ҳолатдаги қуритиш аппаратларини яратиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Ривожланган мамлакатларда бу борада маълум натижаларга эришилган бўлиб, уларда асосан қуритиш жараёнини моделлаштириш, қуритиш аппаратларининг бошқариш ва назорат қилиш имкониятларини кенгайтириш, техник кўрсаткичларини яхшилаш, қуритгичларнинг материал сарфини камайтириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жаҳонда дон ва уруғларни, хусусан кунгабоқар донларини тез ва сифатли қуритиш билан боғлиқ бўлган муаммоларни бартараф этишда қуритиш аппаратларининг янги конструкцияларини ишлаб чиқиш ва қуритиш технологияларини такомиллаштириш бўйича кўплаб илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Ушбу тадқиқотларда қуритилаётган маҳсулотлар хусусиятларини чуқур ўрганган ҳолда мос қуритиш режимларини танлаш, жараённи тўғри назорат қилиш ва бошқариш, қуритиш жадаллигини ошириш мақсадида комбинациялашган қуритиш усулидан фойдаланиш, қуритишнинг энергия самарадор усул ва конструкцияларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади. Қишлоқ хўжалигида етиштирилган дон ва уруғларни ўз вақтида қуритиш уларнинг қайта ишлашдаги йўқотишларини камайтиради. Шу сабабдан, дон ва уруғлар таркибидаги моддаларни юқори даражада сақлаган ҳолда тез ва сифатли қурита оладиган, содда конструкцияга эга, хавфсиз, стационар ва кўчма ихчам қуритиш аппаратларини яратиш ва амалиётга жорий қилиш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Республикада етиштирилаётган кунгабоқар донларини сифатли қуритиш ва қуритиш харажатларини камайтиришни таъминлайдиган замонавий, юқори самарадорликка эга, энергия тежамкор қурилма ва технологияларни амалиётга жорий қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида, жумладан, “... илм-фан ва инновацияга асосланган агрохизматлар кўрсатиш тизимини такомиллаштириш, агросаноат корхоналарини хомашё билан таъминлаш ва ишлаб чиқариш ҳажмини 1,5 баравар ошириш”¹ вазифалари белгилаб берилган. Мазкур вазифаларни бажаришда, жумладан, ихчам, кўчма, энергия тежамкор, фойдаланишга қулай ва таннархи арзон бўлган қуритиш қурилмаларидан фойдаланган ҳолда

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги Фармони

кунгабоқар донларини сифатли қуритиш ҳисобига, ундан олинадиган мой ва бошқа маҳсулотлар миқдорини орттириш ва таннархини арзонлаштириш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2016 йил 23 декабрдаги ПҚ-2694-сон “2016-2020 йиллар даврида қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 7 июлдаги ПҚ-3117-сон “Қишлоқ хўжалигида машинасозлик соҳаси илмий-техник базасини янада ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида”ги, 2018 йил 29 майдаги ПҚ-3751-сон “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга механизация ва сервис хизматларини кўрсатиш самарадорлигини ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятларга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазибаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурс тежамкорлик» ҳамда VII. «Кимё технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишлари доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Йиғиштириб олинган қишлоқ хўжалиги дон маҳсулотларини сифатли қайта ишлаш техника ва технологияларини ишлаб чиқиш бўйича сўнгги йилларда олиб борилган тадқиқотларга тааллуқли илмий-техник адабиётлар таҳлили мазкур соҳада аҳамиятга эга назарий ва амалий натижаларга эришилганлигидан далолат беради. Қишлоқ хўжалиги дон маҳсулотлари қуритиш қурилмаларининг янги конструкцияларини ишлаб чиқишга бағишланган кўплаб ишлар нашр этилган, қуритиш технологиялари ишлаб чиқилган, ҳал этилган амалий масалалар кўлами ортиб бормоқда. Уруғ ва дон маҳсулотларини қуритиш ва қайта ишлаш технологияси билан таъминланишига оид масалаларни ечишга хорижлик олимлардан А.Н. Ченин², И.Г. Лысых³, А.В. Лыков⁴, В.В. Кафаров⁵, П.Д. Лебедев⁶, А.С. Гинзбург⁷ ва бошқалар, мамлакатимиз олимларидан Н.Р. Юсупбеков⁸, Ҳ.С.Нурмухаммедов⁹, Дж.Н. Мухитдинов¹⁰, Дж.П. Мухитдинов¹¹ ва бошқалар ўзларининг ҳиссаларини қўшишган.

² А.Н. Ченин. Повышение эффективности сушки зерна в барабанной гелиосушилке. Диссертация. Брянская область – 2017.

³ И.Г. Лысых. Технология и технические средства для поточной гравитационной сушки семян подсолнечника. Диссертация. М.:2004

⁴ А.В. Лыков. Теория сушки. – М., «Энергия», 1968. – 472 ст.

⁵ В.В. Кафаров, М.Б. Глебов. Математическое моделирование основных процессов химических производств. – М.: Высш. шк., 1991. – 400 ст.

⁶ П.Д. Лебедев. Теплообменные, сушильные и холодильные установки. Учебник для студентов технических вузов. Изд. 2-е, перераб. М., «Энергия», 1972. – 320 ст.

⁷ А.С. Гинзбург, В.А. Резчиков. Сушка пищевых продуктов в кипящем слое. – М., «Пищевая промышленность», 1966. – 196 ст.

⁸ Н.Р. Юсупбеков и др. Моделирование химико-технологических комплексов. 10-я международная конференция по теории и применению мягких вычислений, вычисление со словами и восприятием – ICSCCW-2019. –Прага: Springer, 2019. –PP.588-595.

⁹ Юсупбеков Н.Р, Нурмухаммедов Ҳ.С, Зокиров С.Г, Кимёвий технология асосий жараён ва қурилмалари. –Т.: «Фан ва технология», 2015, 848б.

¹⁰ Дж.Н. Мухитдинов, Б. Х. Юнусов, С. И. Якубов, Исследование температурных полей вихревой камеры сушилки для дисперсных материалов. «Химическая промышленность сегодня», 2003 й, Москва, № 12.

¹¹ Н.Р. Юсупбеков, Дж.П. Мухитдинов, Технологик жараёнларни моделлаштириш ва оптималлаштириш асослари. –Т.: «Саностандарт», 2019. 480 б.

Улар томонидан дон қуритиш қурилмаларининг янги конструкцияларини ишлаб чиқиш, уларнинг параметрларини ўрганиш ва асослаш, қуритиш самарадорлигини ошириш, қуритиш учун истиқболли технология ва техник воситаларни ишлаб чиқаришни ривожлантириш, қуритиш жараёнларини оптималлаштириш, моделлаштириш, қуритиш жараёнида иссиқлик ва масса алмашилишини жадаллаштириш муаммоларини ечишга бағишланган ишланмалар бўйича эришилган натижалар ишлаб чиқаришга жорий этилган. Ушбу муаммони ҳал қилишда сезиларли ютуқларга эришилганига қарамай, дон ва уруғларнинг алоҳида турлари учун мўлжалланган комбинациялашган қуритиш қурилмалари ва технологияларини ишлаб чиқишга етарли эътибор берилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат техника университети илмий тадқиқот ишлари режаларининг ОТ-ФТ-88- “Тоза маҳсулотлар олиш мураккаб кимёвий ва технологик тизимларининг истиқболли энергия ва ресурсларини тежовчи иссиқлик ва масса алмашилиш жараёнларининг амалий асосларини такомиллаштириш” (2017-2020) мавзусидаги илмий-тадқиқот лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади кунгабоқар донларини қуритиш аппарати конструкцияси ва технологик жараёни такомиллаштириш орқали қуритиш жараёнининг самарадорлигини ошириш ва энергия истеъмолини камайтириш, барабан типидagi дон қуритгич параметрларини асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

дон қуритиш қурилмалари ва технологияларини таҳлил қилиш ва кунгабоқар уруғларини қуритиш учун энг мос бўлган қурилмани такомиллаштириш;

таҳлил натижаси асосида такомиллашган қуритиш аппаратини ишлаб чиқиш ва аппаратни ясаш;

ишлаб чиқилган барабан типидagi қуритгичда кунгабоқар уруғларини қуритишнинг кинетик қонуниятларини аниқлаш;

ишлаб чиқилган қуритгичнинг жараён иш параметрларини қуритилаётган материалдан намликни олиб ташлаш миқдорига таъсирини акс эттирувчи математик моделини ишлаб чиқиш;

физик моделда табиий шароитдаги тажрибаларни ўтказиш ва тажриба натижаларини қайта ишлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ишлаб чиқилган қуритиш аппаратидаги кунгабоқар уруғларини қуритиш жараёни олинган.

Тадқиқотнинг предмети кунгабоқар уруғларини қуритиш учун ишлаб чиқилган аппарат ва қуритиш жараёнини жадаллаштиришни ҳамда энергия тежамкорликни таъминловчи технологик параметрлардан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида аналитик ва эмпирик моделлаштириш, тажриба ўтказиш ва олинган натижаларни қайта ишлаш усуллари, иссиқлик ва масса алмашилиш жараёнларининг асосий қонунлари,

кимё ва озиқ-овқат технологиясининг назарий асослари қўлланилган, лаборатория шароитида замонавий ўлчаш асбобларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

кунгабоқар уруғларини қуритиш учун қуёш иссиқлик энергиясидан қўшимча фойдаланиш ҳисобига қуритиш самарадорлигини ошириш ва электр энергия истеъмолини камайтириш имконини берадиган барабан типигаги комбинациялашган аппарат конструкцияси ишлаб чиқилган;

тажрибани режалаштириш усули асосида ишлаб чиқилган қуритгичда кунгабоқар уруғларини қуритиш жараёни учун аниқ тажриба қийматларини олиш имконини берадиган тажрибавий тадқиқотлар ўтказиш услуги ишлаб чиқилган;

ишлаб чиқилган қуритгичда кунгабоқар уруғларини қуритиш жараёнида тажрибани иккинчи тартибли ротатабелли режалаштириш усули асосида намсизлантиришни башорат қилиш имконини берадиган эмпирик математик моделлар ишлаб чиқилган;

кунгабоқар уруғларини қуритишда тажрибани чизикли регрессион таҳлил қилиш асосида коллектордаги ҳавонинг қўшимча қизишини қуритгичнинг энергия тежамкорлигига таъсирини кўрсатувчи математик модел ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ишлаб чиқилган комбинациялашган барабанли қуритгичда кунгабоқар уруғларининг намлик бериш жараёнини моделлаштириш бўйича дастурий таъминот ишлаб чиқилган;

кунгабоқар донларини қуритиш жадаллиги ҳамда қуритгич энергия самарадорлигини оширишда қуёш иссиқлик энергиясидан самарали фойдаланувчи барабан типигаги комбинациялашган қуритиш аппаратининг тажриба намунаси ясалган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги услубий асосланган назарий ҳисоб-китобларни амалга оширишга, қуритиш мосламасининг иш режимларини ҳисоблашнинг амалий муаммоларини ҳал қилишда қатъий математик ҳисоб-китоблардан фойдаланишга ва экспериментал қурилмада олинган маълумотларнинг математик моделлаштириш натижалари билан изчиллигига асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти қуритишнинг керакли усули ва қуритиш аппаратининг керакли турини танлашда қуритиш усуллари ва қуритиш аппаратларининг конструкциялари чуқур таҳлилининг ўтказиш, барабан типигаги қуритгичда қуритиш жараёнини бошқариш имконини берувчи аналитик динамик модель ва аппарат чиқишидаги кунгабоқар уруғлари намлигини ҳамда қуритгич электр энергия истеъмолини башорат қилиш имконини берадиган эмпирик моделларни ишлаб чиқиш билан изохланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, барабан типигаги комбинациялашган қурилмасини ҳисоблашнинг муҳандислик усули ишлаб чиқилган, унинг технологик параметрлари аниқланган, конструкциялаш

тамойиллари шакллантирилган ва Ўзбекистон Республикаси патенти билан ҳимояланган аппаратнинг янги энергия тежамкор конструкцияси ясалган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Кунгабоқар донларини қуритиш учун комбинациялашган энергия тежамкор аппарат ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий ва амалий натижалар асосида:

кунгабоқар донларини қуритиш учун комбинациялашган барабанли қуритиш аппарати учун Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигидан ихтирога патент олинган (IAP 06976, 2022й.). Натижада, ишлаб чиқилган аппарат йиғиштириб олинган кунгабоқар донларини тез ва сифатли қуритиш имконини берган;

ишлаб чиқилган кунгабоқар уруғларини қуритиш аппарати Андижон вилояти Балиқчи тумани “Пахтакор олтин тупроғи”, “Тўлкинов Мирзиё Боғлари” ва “Холмирза Болтабоев Ишончи” фермер хўжаликларида жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2022 йил 16 декабрдаги 07/31-9452-сон маълумотномаси). Натижада, қуёш иссиқлик энергиясидан қўшимча фойдаланиш ҳисобига электр энергия истеъмолини 691 Вт·соатгача иқтисод қилиш, қуритиш жараёни 1,3 баробарга тезлашиб, қуритиш вақти 15% га қисқариши имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқотнинг натижалари 5 та халқаро ва 2 та республика илмий-техник анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 14 та илмий иш, жумладан ЎЗР ОАК эътироф этган илмий журналларда 5 та мақола, шундан 2 таси хорижда чоп этилган. Интеллектуал мулк агентлигидан 1 та ихтиро учун патент ва ЭХМ лар учун дастурий маҳсулотга рўйхатдан ўтган 1 та гувоҳнома олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг асосий қисми 120 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, тадқиқот натижаларининг апробацияси, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Кунгабоқар уруғларини қуритишнинг ҳозирги ҳолати ва қуритиш қурилмаларининг таҳлили”** деб номланган биринчи бобида чет элларда ва республикамизда етиштирилган уруғ ва донларни, жумладан, кунгабоқар донларини қуритиш қурилмалари ва усуллари таҳлил

қилинган. Кунгабоқар донларининг барабанли қуритгичда бўлиш вақтига ва унинг унумдорлигига таъсир қилувчи омиллар ўрганилган.

Таҳлиллар асосида барабанли қуритгич кунгабоқар уруғини қуритиш учун энг мос эканлиги аниқланди, қуритиш самарадорлигини ошириш ва энергияни тежаш мақсадида ушбу қуритгични такомиллаштириш мақсадга мувофиқлиги кўрсатилди.

Диссертациянинг **“Барабан типдаги комбинациялашган аппаратда кунгабоқар уруғларини қуритиш жараёнини моделлаштириш”** деб номланган иккинчи бобида барабан типдаги қуритгичда турли иш шароитларига мос ҳолда қуритгич чиқишидаги ҳаво ва маҳсулотнинг намлиги ҳамда ҳароратини баҳолаш имконини берувчи уруғ намлигини йўқотиш жараёнини моделлаштириш ва бошқариш бўйича динамик модель таклиф этилган, шунингдек, кунгабоқар уруғларини қуритишда намлик йўқотилиши жараёнининг эмпирик математик моделлари келтирилган. Ушбу моделлар ўрнатилган қуритиш режимларида кунгабоқар уруғларининг аппарат чиқишидаги намлигини башорат қилиш имконини беради.

Қуритиш жараёнининг математик модели қуйидаги қўйимларга асосан тузилган:

- иссиқлик ва масса узатиш коэффициентлари ўзгармас;
- ўқ йўналишидаги намлик диффузияси ахамиятсиз даражада кичик;
- радиацион иссиқлик узатиш йўқ;
- ўқ йўналишида қуритувчи агентнинг кириш тезлиги ўзгармас;
- қуритиладиган материал ва қуритиш агентининг ҳарорати камера ҳароратига ва ўқ координатасига боғлиқ;
- барабаннинг айланиш тезлиги вақт бўйича ўзгармас;
- нам уруғларни барабанга узатиш сарфи ўзгармас.

Қуритиш мосламаси узунлиги бўйича элементар ячейкаларга бўлинди ва l ва $l + \Delta l$ кесимлари орасида жойлашган элемент кўриб чиқилди. Қуритиладиган материалнинг ҳаракат тезлиги ва унинг элемент чегараларидаги масса сарфига асосланган ҳолда ҳар бир ячейка учун қуритиладиган материалнинг массаси, қуритиладиган материалдан вақт бирлигида қуритиш агентига ўтадиган намлик миқдори, қуритиладиган материал массасининг вақт бўйича ўзгариши ҳисоблаб чиқилди. Олинган нисбатлар кунгабоқар уруғлари учун умумий моддий балансни тузишга имкон берди.

$$\frac{\partial \varphi_x}{\partial t} + v_m \frac{\partial \varphi_x}{\partial l} = -R_v. \quad (1)$$

Кунгабоқар уруғидан қуритадиган қиздирилган газга намлик ўтиши содир бўладиган кесимлар орасида жойлашган элементар ҳажмда иккинчисининг массаси ортиши ва қуритиладиган материалнинг массаси камайиши содир бўлади. Бу жараён қуйидаги дифференциал тенглама кўринишида тасвирланади:

$$\frac{\partial \varphi_y}{\partial t} + v_g \frac{\partial \varphi_y}{\partial l} = R_v (\rho_{Lm} / \rho_{Lg}). \quad (2)$$

Сўнг, ўрганиладиган ячейкага иссиқликнинг келиши ва ундан

иссиқликнинг чиқиши баланси тенгламаси асосида ўрганилаётган ячеядаги қуритилаётган материал таркибидаги иссиқлик миқдори аниқланди ва кунгабоқар уруғларининг иссиқлик сиғими фақат унинг таркибига боғлиқ бўлиб, иссиқлик баланси қуйидагича тузилди:

$$\frac{\partial(C_m T_m)}{\partial t} + v_m \frac{\partial(C_m T_m)}{\partial l} = \frac{\lambda_v V_v}{\rho_{L_m}} (T_g - T_m) - LR_v. \quad (3)$$

Қуритиш агенти ўрганилаётган ячеяка ичига киритадиган ва олиб чиқадиغان иссиқлик миқдорини ҳисоблаш, иссиқлик йўқотишларини ҳисобга олган ҳолда қуритувчи газнинг таркибига ва унинг бошланғич ҳароратига боғлиқ бўлган иссиқлик сиғимини аниқлаш асосида қуритувчи газ учун иссиқлик балансининг нисбати олинади.

$$\frac{\partial(C_g T_g)}{\partial t} + v_g \frac{\partial(C_g T_g)}{\partial l} = -\frac{\lambda_v V_v}{\rho_{L_g}} (T_g - T_m) - L_m \frac{\rho_{L_m}}{\rho_{L_g}} R_v. \quad (4)$$

бу ерда φ_x – кунгабоқар донларининг намлиги; φ_y – қуритувчи агент намлиги; T_g – қуритувчи агент ҳарорати; T_m – кунгабоқар донларининг ҳарорати; v_m – кунгабоқар донларининг ўқ йўналишидаги тезлиги; v_g – қуритувчи агентнинг ўқ йўналишидаги тезлиги; C_m – кунгабоқар донларининг солиштирма иссиқлик сиғими; C_g – қуритувчи газ солиштирма иссиқлик сиғими; ρ_{L_m} – кунгабоқар донларининг чизикли зичлиги; ρ_{L_g} – қуритиш газининг чизикли зичлиги; V_v – барабаннинг солиштирма сиғими; λ_v – иссиқлик узатиш солиштирма коэффиценти; $L_m=L$ – буғланиш иссиқлиги; R_v – қуритиш тезлиги.

Юқорида келтирилган масса ва иссиқлик алмашилиш жараёнининг математик тавсифи тенгламалари (1) - (4) ни мос равишда масса ва иссиқлик алмашилиш тенгламалари системаси кўринишида ёзиб оламиз.

$$\begin{cases} \frac{\partial \varphi_x}{\partial t} + v_m \frac{\partial \varphi_x}{\partial l} = -R_v \\ \frac{\partial \varphi_y}{\partial t} + v_g \frac{\partial \varphi_y}{\partial l} = R_v (\rho_{L_m} / \rho_{L_g}) \end{cases} ;$$


$$\begin{cases} \frac{\partial(C_m T_m)}{\partial t} + v_m \frac{\partial(C_m T_m)}{\partial l} = \frac{\lambda_v V_v}{\rho_{L_m}} (T_g - T_m) - LR_v \\ \frac{\partial(C_g T_g)}{\partial t} + v_g \frac{\partial(C_g T_g)}{\partial l} = -\frac{\lambda_v V_v}{\rho_{L_g}} (T_g - T_m) - L_m \frac{\rho_{L_m}}{\rho_{L_g}} R_v \end{cases} .$$

Ушбу тенгламалар системасини ечиш учун PDE Toolbox амалий дастурий пакетидан фойдаланамиз.

PDE Toolbox муҳитида ҳал қилинадиган муаммонинг турини танлаймиз – Generic System ва тизимнинг коэффицентлари ўрнатилиши керак бўлган PDE Specification ойнасини очамиз. Бизнинг ҳолатда биринчи тенгламалар системаси учун $c_{11}=1$, $c_{12}=0$, $a_{11}=0$, $a_{12}=0$, $f_1=1$, $c_{21}=0$, $c_{22}=1$, $a_{21}=0$, $a_{22}=0$, $f_2=1$ ни ўрнатишимиз керак. Иккинчи тенгламалар системаси учун $c_{11}=1$, $c_{12}=0$, $a_{11}=1$, $a_{12}=0$, $f_1=1$, $c_{21}=0$, $c_{22}=1$, $a_{21}=0$, $a_{22}=1$, $f_2=1$ ни ўрнатамиз.


Тенгламалар системасининг ечимлари график кўринишида қуйидагича

тасвирланади (1-расм):



1-расм. Тенгламалар системасининг график кўринишидаги ечимлари: а – моддий баланс биринчи тенгламалар системасининг ечими, б – иссиқлик биланс иккинчи тенгламалар системасининг ечими

Графиклардан кўришиб турибдики, тенгламанинг биринчи системаси учун энг катта ечимлар сони $0.05 \div 0.25$ ораликда, иккинчи тенглама учун ечимлар сони эса $5 \div 25$ ораликда бўлади. 2-расмда аналитик модель ва тажрибалар давомида олинган маълумотлар қийматларининг таққослаш графиги келтирилган.



2-расм. Аналитик модель ва тажриба қийматларини таққослаш графиги: а – масса алмашиниш жараёни, б – иссиқлик алмашиниш жараёни.

Расмдаги графиклардан кўришиб турибдики, топилган аналитик модель қийматлари тажриба қийматларига маълум хатолик билан мос келади.

Модел томонидан башорат қилинган ва экспериментал усул орқали олинган қийматлар ўртасидаги тафовутлар намликнинг тарқалиши, иссиқлик ўтказувчанлиги ва намлик беришни акс эттирувчи коэффициентлар тавсифланишининг қийинлиги, кўпинча эса ноаниқ боғлиқликка эга бўлиши билан изоҳланади. Кунгабоқар уруғлари учун ушбу коэффициентларни аниқлаш уруғлар таркибининг доимий эмаслиги, уруғлар турлари ва навларининг кўплиги, пишиб етилганлик даражасининг ўзгарувчанлиги, куриштиш учун турли қурилмалар ва технологик режимларнинг қўлланилиши

билан мураккаблашади. Шунинг учун тажриба асосида керакли коэффициентлар аниқланадиган эмпирик моделлаштириш усулига ўтишга қарор қилинди.

Эмпирик математик моделлар ишлаб чиқилган барабан типдаги тажриба қуритгичида олиб борилган тажриба асосида тузилган. Моделларда қуёшнинг кун давомидаги фаоллиги алоҳида инобатга олинган.

Тажриба қуритгичида қуритиш жараёни 80°C, 90°C ва 100°C ҳароратли режимларда амалга оширилди. Қуритиш учун бошланғич намликлари 38%÷46% оралиқда бўлган кунгабоқар уруғлари олинган. Қуритиш жараёнида қуёшнинг фаоллиги ҳам инобатга олинди, қуёш коллекторидаги қизиган ҳаво ҳарорати қийматининг ўзгариши билан баҳоланади. Бунга кўра коллектордаги ҳаво ҳарорати 55÷65 °C оралиғида ўзгаради. Қуритилаётган кунгабоқар уруғларининг қуритгич чиқишидаги намлигининг ўзгариши қуритиш ҳарорати, уруғларнинг бошланғич намлиги, қуёш коллекторидаги ҳаво ҳарорати каби кириш омилларининг таъсирларига боғлиқ.

Математик модель ҳар бир қуритиш режими учун ишлаб чиқилган. Кириш омиллари:

- 1) қуритиш агенти ҳарорати $T_{қа}$, °C;
- 2) кунгабоқар уруғларининг бошланғич намлиги ϕ_0 , %;
- 3) қуёш коллекторидаги ҳаво ҳарорати $T_{қк}$, °C;
- 4) кунгабоқар уруғларини қуритиш босқичи давомийлиги τ , дақ;

Тажриба иккинчи тартибли ротатабелли режалаштириш асосида ўтказилди.

Дастлаб кунгабоқар уруғларининг тажриба қуритгичи чиқишидаги намлигининг йўқолиши ҳисобига масса ўзгариши M ни кўриб чиқамиз.

Ўрта қиймат ва ўзгариш оралиғи (қадами) ҳисобланади, кириш омиллари кодланади:

$$x_1^0 = \frac{x_1^{\max} + x_1^{\min}}{2}; \Delta x = \frac{x_1^{\max} - x_1^{\min}}{2}; x_i = \frac{x_i - x_i^0}{\Delta x_i}.$$

Тажриба қуритгичидаги қуритиш жараёнининг математик модели қуйидаги регрессион тенглама кўринишида бўлади:

$$y = b_0 + \sum_{i=1}^n b_i x_i + \sum_{i,j=1}^n b_{ij} x_i x_j + \sum_{i=1}^n b_{ii} x_i^2,$$

бу ерда b_0 , b_i , b_{ij} , b_{ii} лар регрессия коэффицентлари ҳисобланади.

Танланган 2^4 режа асосида коэффицентлар қуйидаги формулалар орқали ҳисобланади:

$$b_0 = C_1 \sum_{u=1}^{31} y_u - C_2 \sum_{i=1}^4 \sum_{u=1}^{24} x_{iu}^2 y_u;$$

$$b_i = C_3 \sum_{u=1}^{24} x_{iu} y_u;$$

$$b_{ij} = C_4 \sum_{u=1}^{16} x_{iu} x_{ju} y_u;$$

$$b_{ii} = C_5 \sum_{u=1}^{24} x_{iu}^2 y_u + C_6 \sum_{i=1}^4 \sum_{u=1}^{24} x_{iu}^2 y_u - C_2 \sum_{u=1}^{31} y_u;$$

бу ерда C_i коэффициентлар ёрдамчи коэффициентлардир.

Ўзгармас қийматли ёрдамчи коэффициентлар қуйидаги қийматларни қабул қилади: $C_1=0,1432$; $C_2=0,0361$; $C_3=0,042$; $C_4=0,063$; $C_5=0,032$; $C_6=0,0038$.

Регрессия коэффициентлари ҳисоблангандан сўнг, коэффициентлар аҳамиятлиликка текширилади. Бунинг учун дастлаб режалаштириш марказидаги тажрибалар натижалари асосида оптималлаштириш параметри дисперсияси ҳисобланади:

$$S_y^2 = \frac{\sum_1^7 (y_u - \bar{y}_0)^2}{n_0 - 1};$$

бу ерда \bar{y}_0 - ўрта қийматларда ҳисобланган чиқиш катталиги қийматларининг ўрта арифметиги.

Регрессия коэффициентларининг Стьюдент мезони асосида аҳамиятлилиги қуйидаги формула бўйича текширилади:

$$\varepsilon(b_i) = t(P; f_i) \cdot S_{b_i},$$

бу ерда t – Стьюдент жадвал мезони $t(P; f_i)$;

S_{b_i} – регрессия коэффициентини аниқлашдаги ўртача квадратик хато.

Регрессия тенгламаларини Фишер мезони асосида монандликка текширишдан олдин монандлик дисперсияси ҳисобланади:

$$S_{мон}^2 = \frac{\sum_1^{31} (\bar{y}_u - y_{хис})^2 - \sum_1^7 (y_u - \bar{y}_0)^2}{N - k' - (n_0 - 1)}.$$

Фишер мезонининг ҳисобий қиймати F_x топилган сўнг $F(P, f_1, f_2)$ асосида жадвалдан мос қиймат $F_{ж}$ билан солиштирилди, монандлиги исботланади: $F_x = 2,76 < 2,79 = F_{жс}$, $F_x = 2,3 < 2,79 = F_{жс}$, $F_x = 2,64 < 2,79 = F_{жс}$.

Кириш омилларининг кодланган шаклларида уларнинг ҳақиқий қийматларига тескари ўзгартирилганда қуйидаги ифодалар ҳосил бўлди:


$$M_{80} = 42,32 - 0,81 \cdot T_{ка} - 0,0875 \cdot \varphi_0 - 0,1954 \cdot T_{кк} + 0,004636 \cdot \tau - 0,00056 \cdot \varphi_0 \cdot \tau + 0,005 T_{ка}^2 + 0,00125 \cdot \varphi_0^2 + 0,0016 \cdot T_{кк}^2 + 0,000123 \cdot \tau^2, \quad (5)$$

$$M_{90} = 48,046 - 0,91 \cdot T_{ка} - 0,09 \cdot \varphi_0 - 0,0994 \cdot T_{кк} + 0,004636 \cdot \tau - 0,00056 \cdot \varphi_0 \cdot \tau + 0,005 \cdot T_{ка}^2 + 0,00125 \cdot \varphi_0^2 + 0,0008 \cdot T_{кк}^2 + 0,000123 \cdot \tau^2, \quad (6)$$

$$M_{100} = 44,479 - 0,76 \cdot T_{ка} - 0,07875 \cdot \varphi_0 - 0,07544 T_{кк} - 0,007124 \cdot \tau - 0,00028 \cdot \varphi_0 \cdot T_{кк} + 0,00375 \cdot T_{ка}^2 + 0,0009375 \cdot \varphi_0^2 + 0,0006 \cdot T_{кк}^2 + 0,000123 \cdot \tau^2. \quad (7)$$

Ушбу (5) - (7) формулалар тажриба қуритгичи чиқишида кунгабоқар уруғларининг мос равишда 80°C , 90°C , 100°C ўртача қуритиш ҳароратлари режимлари учун масса бериш жараёнининг эмпирик математик моделлари ҳисобланади. 3-расмда, масалан, қуритиш ҳароратлари кесимида тажриба ва

модель қийматларининг таққослаш графиги кўрсатилган, бундан кўриниб турибдики, тажриба орқали аниқланган ва назарий ҳисобланган маълумотлар жуда яқин қийматларга эга.



3-расм. Тажриба ва модель бўйича масса ўзгариш қийматларини солиштириш графиги (қуриштиш ҳарорати 100°C).

Турли иссиқлик режимларида тажриба ўтказилганда кириш омиллари ўзгармайди, ўтказиладиган тажрибалар сони ҳам бир хил. Тегишли ҳисоблашлардан сўнг турли иссиқлик режимлари учун уруғларнинг намлик бериш регрессион тенгламалари қуйидаги кўринишга ўзгаради:

$$y_{80} = 17,87 - 1,1x_1 + 2,3x_2 - 1,37x_3 - 5x_4 - 2,3x_2x_4 + x_4^2,$$

$$y_{90} = 14,4 - 1,2x_1 + 1,8x_2 - x_3 - 6,5x_4 - 1,3x_2x_4 + 1,2x_4^2,$$

$$y_{100} = 13,83 - 1,3x_1 + 1,7x_2 - 1,1x_3 - 6x_4 - 1,4x_2x_4 + x_4^2.$$

Топилган тенгламалар Фишер мезони бўйича монандликка текширилади. Мос қуриштиш режимлари учун таққослаш натижалари қуйидагича: $F_x = 1,77 < 2,66 = F_{жс}$, $F_x = 0,77 < 2,66 = F_{жс}$, $F_x = 0,5 < 2,66 = F_{жс}$ бўлиб, тенгламаларнинг монандлигини кўрсатади.


Топилган регрессион тенгламалар кодланган шаклларидадан ҳақиқий қийматларига ўзгартирилгандан сўнг қуйидаги ифодалар олинади:

$$\varphi_{80} = 7,52 - 0,55T_{ка} + 2,3\varphi_0 - 0,274T_{кк} + 0,664\tau - 0,03194\varphi_0\tau + 0,0037\tau^2;$$

$$\varphi_{90} = 50,844 - 0,6T_{ка} + 1,425\varphi_0 - 0,2T_{кк} + 0,0038\tau - 0,0182\varphi_0\tau + 0,00372\tau^2;$$

$$\varphi_{100} = 55,862 - 0,65T_{ка} + 1,475\varphi_0 - 0,2T_{кк} + 0,1572\tau - 0,0196\varphi_0\tau + 0,0031\tau^2.$$

Мазкур формулалар тажриба қуриштигичи чиқишида 80°C, 90°C, 100°C ўртача қуриштиш ҳароратлари режимлари учун кунгабоқар уруғларининг намлик узатиш жараёнининг эмпирик математик моделлари ҳисобланади. 4-расмда модель ва тажрибадан олинган қийматларнинг таққосланиши кўрсатилган. Расмдан кўриниб турибдики, тажрибадан аниқланган ва назарий ҳисобланган маълумотлар жуда яқин қийматларга эга.



4-расм. Тажриба ва модель бўйича намлик йўқотилиш қийматларининг таққослаш графиги (қуритиш ҳарорати 100°C).

Тажриба қуритгичининг электр энергия тежамкорлигига таъсир қилувчи омиллар сифатида қуритиш агентининг ҳарорати, тезлиги ва қуёш коллекторидаги ҳаво ҳарорати олинган. Тажриба ёз ва куз ойларида ўтказилган. Атмосфера ҳарорати таъсири туфайли эмпирик моделлар бир хил қуритиш ҳароратларида турлича қийматларни беради. Дастлаб ёз ойи учун энергия тежамкорлик бўйича эмпирик моделлаштиришни кўриб ўтамиз. Кириш омиллари ва уларнинг ўзгариш оралиқлари қуйидагича:

1) турли режимлар учун қуритиш агенти ҳарорати $T_{қа}$, 80, 90 ва 100°C ни ташкил этади;

2) қуёш коллекторидаги ҳаво ҳарорати $T_{қк}$, барча қуритиш режимлари учун унинг ўзгариш оралиғи 55÷65°C;

3) қуритиш агенти тезлиги $V_{қа}$, барча қуритиш режимлари учун унинг ўзгариш оралиғи 0.5 м/с÷1.5 м/с.

Ўтказилган тажриба натижалари шуни кўрсатадики, қуритгич электр энергия истеъмоли эгри чизиғи чизикли тавсифга эга. Регрессион тенгламани олишда бу инобатга олинди. Учта кириш омилли тажриба учун ўтказилган тажрибалар комбинациялари сони $N = 2^3 = 8$.

Регрессия коэффициентлари $b_j = \frac{1}{N} \sum x_{ji} y_i$ формула орқали аниқланади.

Стъудент мезони бўйича топилган коэффициентларнинг аҳамиятлилиги аниқланади:

$$S_{b_j} = \frac{S_y}{\sqrt{N}}; \quad t_i = \frac{|b_i|}{S_{b_i}}$$

Аҳамиятlilik даражаси $p = 0,05$ ва эркинлик даражаси $f = 3-1=2$ да Стъудент мезони қиймати $t_p(f) = 4,3027$ га тенг. Ушбу мезон қийматидан модуль жиҳатдан кичик бўлган коэффициент қийматлари аҳамиятлилиги кичик бўлганлиги сабабли кейинги ҳисоблашлардан олиб ташланди ва қуйидаги тенглама ҳосил бўлади:

$$y = 2708 + 240x_1 - 92,6x_2 + 139x_3.$$

Монандлик дисперсияси ҳисобланади:

$$S_{\text{мон}}^2 = \frac{\sum_{i=1}^8 (y_{\text{экс}} - \hat{y}_{\text{хис}})^2}{N - (k + 1)}.$$


Тенглама монандлик бўйича Фишер мезонига текширилади ва тенгламанинг тажрибага монандлиги тасдиқланади: $F_x < F_{\text{эс}}$, яъни $1,19 < 6,93$.

Топилган тенглама кириш омилларининг кодланган шаклларида иборат бўлганлиги учун ҳақиқий қийматларга ўзгартирилади:

$$E_{\text{эс}} = 1380 + 24T_{\text{ка}} - 18,52T_{\text{кк}} + 279,2V_{\text{ка}}.$$

Ушбу тенглама ёз ойи учун электр энергия тежамкорликни кўрсатувчи эмпирик модель ҳисобланади.

Модель бўйича олинган қийматларнинг тажриба қийматлари билан таққослаш графиги 5-расмда кўрсатилган. Қийматлар куёш коллекторидаги ҳаво ҳарорати 65°C бўлган ҳолат бўйича ҳисобланган.



5-расм. Электр қувват сарфи бўйича модель қийматларининг тажриба қийматларига монандлиги графиги (ёз ойи учун, қуритиш агенти ҳарорати 100°C).

Куз ойида қуритгич электр қувват сарфига таъсир қилувчи кириш омиллари ва уларнинг ўзгариш оралиқлари қуйидагича:

1) турли режимлар учун қуритиш агенти ҳарорати $T_{\text{ка}}$, 80, 90 ва 100°C ни ташкил этади;

2) куёш коллекторидаги ҳаво ҳарорати $T_{\text{кк}}$, барча қуритиш режимлари учун унинг ўзгариш оралиғи $45 \div 55^\circ\text{C}$;

3) қуритиш агенти тезлиги $V_{\text{ка}}$, барча қуритиш режимлари учун унинг ўзгариш оралиғи $0,5 \text{ м/с} \div 1,5 \text{ м/с}$.

Тегишли ҳисоблашлардан сўнг куз ойи учун топилган регрессион тенглама қуйидагича:


$$y = 3159 + 200x_1 - 133x_2 + 199x_3 - 77x_1x_2.$$

Тенглама монандликка текширилди ва кодланган шаклларида ҳақиқий қийматларига ўзгартирилганда қуйидаги формула ҳосил бўлди:

$$E_{\text{куз}} = -4639 + 97T_{\text{ка}} + 112T_{\text{кк}} + 398V_{\text{ка}} - 1,54T_{\text{ка}}T_{\text{кк}}.$$

Ушбу тенглама куз ойи учун электр энергия тежамкорликни кўрсатувчи эмпирик модель ҳисобланади.

Модель бўйича топилган қийматларни тажриба қийматлари билан таққослаш графиги 6-расмда кўрсатилган. Қийматлар қуёш коллекторидаги ҳаво ҳарорати 55°C бўлган ҳолат учун ҳисобланган.



6-расм. Электр қувват сарфи бўйича модель қийматларининг тажриба қийматларига монандлиги графиги (куз ойи учун, қуриштиш агентининг ҳарорати 100°C).

Ёз ва куз ойларида қуриштигичда электр қуввати сарфини ўрганиш бўйича топилган тенгламалар тажриба қийматларига монанд, ушбу топилган тенгламаларни қуриштиш агентининг ҳамда қуёш коллекторидаги ҳаво ҳароратининг берилган қийматлари оралиғида қуриштигичнинг электр қуввати сарфи қандай ўзгаришини олдиндан башоратлашда фойдаланиш мумкин.

Диссертациянинг “**Экспериментал тадқиқотларни ўтказиш усуллари ва натижалари**” деб номланган учинчи бобда экспериментал тадқиқотлар ўтказиш услуби ва уларни ўтказиш шароити, кунгабоқар донларини қуриштиш аппаратининг тажриба нусхасини тайёрлаш, аппарат параметрларининг қуриштиш кўрсаткичларига таъсири, қуёш фаоллигининг қуриштигич ва қуриштиш жараёнига таъсири натижалари келтирилган.

Ўтказилган назарий ва амалий тадқиқотлар асосида кунгабоқар донларини қуриштиш аппаратининг 40 кг/соат унумдорликка эга кўчма ҳолатдаги тажриба нусхаси тайёрланди (7-расм).



7-расм. Тажриба қуриштигичининг умумий кўриниши.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, тажриба қуритгичидан булутли ҳаво шароитига қараганда қуёшли очик майдонда фойдаланиш намликни йўқотиш бўйича ёз ойида 48%, куз ойида 27%, қуритиш вақти бўйича умумий 15% га самаралидир, қуритиш унумдорлиги эса 17,6% га ортади. Қуритгичда қўшимча равишда қуёш иссиқлик энергиясидан самарали фойдаланиш орқали кунгабоқар уруғларининг бир хил вақт оралиқларида намлик бериши булутли шароитга нисбатан ёз ойида 1.33 баробарга, куз ойида эса 1.26 баробарга ортди.

Ёз ойида коллектордаги ҳароратни атроф-муҳит ҳарорати ва қуёш нур қайтаргичи ҳисобига 80°C, 90°C, 100°C қуритиш ҳароратларида ўртача 22°C, 25°C, 29°C га ошириш мумкин. Ҳудди шундай, куз ойида тегишли қуритиш ҳароратларида ҳаво ҳароратини мос равишда 20°C, 22°C ва 24°C га кўтариш мумкин.

Ёз ойида 80°C, 90°C ва 100°C қуритиш режимларида, қуритувчи ҳаво тезлиги 1 м/с бўлганда электр энергия иқтисоди мос равишда 13%, 12% ва 11,2% ни ташкил этди. Мазкур режимларда ўртача 370 Вт·соат электр энергияси қўшимча иқтисод қилинди. Куз ойида эса мазкур қуритиш ҳароратларида ва қуритувчи ҳаво тезлигида электр энергияси иқтисоди мос равишда 9%, 18% ва 24,5% ларни ташкил этди. Натижада, қўшимча равишда ўртача 691 Вт·соат электр энергияси иқтисод қилинди. Шу сабабли қуёш коллектори ва нур қайтаргичдан фойдаланиш орқали сарфланаётган электр энергияси кўпроқ миқдорда иқтисод қилинади. Куз ойида атмосфера ҳавосининг намлиги ва зичлигининг юқори бўлиши, шунингдек ҳаво ҳароратининг ёз ойига нисбатан пастлиги қуритгичнинг кўпроқ электр энергия истеъмол қилишига олиб келди ва ёз ойи билан таққослаганда электр энергияси истеъмоли 772 Вт·соат га ортади. Қуритгичнинг электр энергия истеъмоли қуритиш ҳарорати ортган сари ортади, энергия самарадорлик камаяди. Ишлаб чиқилган қуритгичнинг синовлари шуни кўрсатадики, қуритгичнинг самарадорлиги қуёш фаоллигига боғлиқ: куннинг энг қизиган вақтида кунгабоқар уруғларининг қуриш жадаллиги энг юқори, электр энергияси истеъмоли эса энг кичик.

Ёзда қуритгични нур қайтаргичсиз бино ичида ишлатганда, қуритгичнинг қуёш коллекторидаги ҳароратни атроф-муҳит ҳарорати ҳисобига 26% гача кўтариш мумкин, бу қуритгичнинг энергия истеъмолини ёзда 6% ва кузда 4% га иқтисод қилади.

Қуритгичда булутли об-ҳавода кунгабоқар донлари охириги нисбий намлигини 8% гача етказиш учун 90 дақиқадан кўп вақт талаб этилади, булутсиз об-ҳавода қуёш нур қайтаргичидан фойдаланган ҳолда 70 дақиқа кифоя қилади.

Тажрибалар шуни ҳам кўрсатдики, кунгабоқар уруғларини қуритиш агенти ҳарорати 80°C, тезлиги 1,5 м/с бўлгандаги қуритиш натижалари қуритиш агенти ҳарорати 90°C, тезлиги 0,5 м/с бўлганда олинган натижалар билан бир хил якуний натижани беради, лекин энергия харажатлари кам.

ХУЛОСА

“Кунгабоқар донларини қуритиш учун комбинациялашган энергия тежамкор аппарат ишлаб чиқиш” мавзусидаги диссертация ишини бажариш жараёнида қуйидаги илмий натижалар олинди:

1. Қуритиш усуллари ва қуритиш аппаратлари конструкцияларининг чуқур таҳлили ўтказилди, бу эса керакли қуритиш усулини ва қуритиш аппаратининг турини танлашга имкон беради.

2. Қуритишнинг комбинациялашган усулидан фойдаланиб қуритиш жадаллигини ошириш ва аппаратнинг энергия истеъмолини камайитириш мумкинлиги кўрсатилди.

3. Кунгабоқар уруғларини қуритиш жараёнини моделлаштириш ва бошқаришга имкон берувчи динамик модель ишлаб чиқилган.

4. Қуритиш аппаратининг эмпирик математик моделлари ишлаб чиқилган бўлиб, булар қуритишнинг турли режимли параметрларида аппарат чиқишидаги кунгабоқар уруғларининг намлигини башорат қилиш имконини берди.

5. Қуритиш аппаратининг эмпирик математик модели ишлаб чиқилган бўлиб, ушбу модель қуритгич коллекторидаги ҳаво ҳарорати ва қуритиш агенти тезлигининг ўзгариши ҳисобига қуритгичнинг электр энергияси истеъмолини башорат қилиш имконини берди.

6. Ишлаб чиқилган барабан типидagi комбинациялашган қуритиш аппаратада кунгабоқар уруғларини қуритиш учун экспериментал тадқиқодлар ўтказиш услуби ишлаб чиқилди.

7. Ишлаб чиқилган тажриба қуритгичида кунгабоқар уруғларини ёзда қуритганда қуритиш самарадорлиги булутли об-ҳавога нисбатан қуёшли вақтда 48%, кузда 27% ни ташкил этди.

8. Қуритиш аппаратининг унумдорлиги қуёш энергиясидан қўшимча фойдаланиш ва қуритиш вақтининг қисқариши ҳисобига 17,6% га ортди.

9. Ишлаб чиқилган тажриба қуритгичида қуёшли очик майдонда кунгабоқар уруғларини қуритишда қўшимча равишда электр энергияси иқтисоди булутли об-ҳавога таққослаганда ёзда 13% ни, кузда 9% ни ташкил этади.

10. Ишлаб чиқилган тажриба қуритгичининг қуритиш самарадорлиги қуёш фаоллигига боғлиқ.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.Т.03.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
ТЕХНИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ТЕХНИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

САФАРОВ ЭЛЁРБЕК ХАСАНОВИЧ

**РАЗРАБОТКА КОМБИНИРОВАННОГО ЭНЕРГОСБЕРЕГАЮЩЕГО
АППАРАТА ДЛЯ СУШКИ СЕМЯН ПОДСОЛНЕЧНИКА**

**02.00.16 – Процессы и аппараты химической технологии и пищевых производств
(технические науки)**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2023

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2022.3.PhD/Т1582.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном техническом университете.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице (www.tdtu.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyounet.uz).

Научный руководитель: Мухитдинов Джалолитдин Пахритдинович
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты: Нурмухаммедов Хабибулло Саъдуллаевич
доктор технических наук, профессор

Ташбаев Назим Тулаевич
кандидат технических наук, доцент


Ведущая организация: Бухарский инженерно-технологический институт

Защита диссертации состоится «04» 02 2023 года в 11⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.Т.03.02 при Ташкентском государственном техническом университете (Адрес: 100095, г.Ташкент, ул. Университетская, 2. Тел: (99871) 246-46-00; факс: (99871) 227-10-32; e-mail: tstu_info@tdtu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного технического университета (зарегистрировано №299) (Адрес: 100095, г. Ташкент, ул. Университетская, 2. Тел.: (99871) 207-14-70).

Автореферат диссертации разослан «18» 01 2023 года.
(реестр протокола рассылки №1 от «14» 12 2022 года)




Н.Р.Юсупбеков
Председатель Научного совета
по присуждению учёных степеней,
д.т.н., профессор, академик

У.Ф.Мамиров
Ученый секретарь Научного совета
по присуждению учёных степеней,
д.т.н., доцент


Ш.М. Гулямов
Председатель научного семинара
при Научном совете по присуждению ученых степеней,
д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире особое внимание в настоящее время уделяется разработке и совершенствованию высокоэффективных, энергосберегающих комбинированных аппаратов для качественной сушки зерна и семян различных растений, в том числе семян подсолнечника, собранных в сельском хозяйстве. Создание энергосберегающих, компактных, стационарных и передвижных сушильных аппаратов, сочетающих в себе достоинства сушилок, обеспечивающих высокую безопасность, не влияющих отрицательно на качество высушенного зерна и семян, является одной из важных задач указанной проблемы. В этом отношении определенные результаты достигнуты в экономически развитых странах, где основное внимание уделялось моделированию процесса сушки, расширению возможностей управления и контроля сушильных аппаратов, улучшению их технических характеристик, снижению материалоемкости сушилок.

В мире ведется много научных исследований по разработке новых конструкций сушильных аппаратов и совершенствованию технологий сушки с целью решения задач, связанных с быстрой и качественной сушкой зерна и семян, особенно зерен подсолнечника. В этих исследованиях особенно важными считаются: выбор подходящих режимов сушки на основе глубокого изучения свойств высушиваемых продуктов, правильный контроль и управление процессом, использование комбинированного метода сушки для увеличения её интенсивности, разработка энергоэффективных методов и конструкции сушки. Своевременная сушка зерна и семян, выращиваемых в сельском хозяйстве, снижает потери при их обработке. По этой причине создание и внедрение безопасных, стационарных и переносных компактных сушильных аппаратов простой конструкции, способных быстро и качественно сушить при сохранении на высоком уровне веществ, содержащихся в зерне и семенах, являются актуальными задачами.

В республике особое внимание уделяется внедрению современных, высокопроизводительных, энергосберегающих устройств и технологий, обеспечивающих качественную сушку семян подсолнечника и снижение затрат на сушку. В связи с этим в стратегии развития нового Узбекистана на 2022-2026 годы отмечен ряд задач, в том числе: «...совершенствование системы оказания агроуслуг, основанных на передовых достижениях науки и инновациях, обеспечение агропромышленных предприятий сырьем и увеличение объемов производства в 1,5 раза...»¹. При выполнении этих задач увеличение количества масла и других продуктов, получаемых из семян подсолнечника и снижение их себестоимости за счет качественной сушки семян подсолнечника с использованием компактных, портативных, энергосберегающих, простых в эксплуатации и малозатратных сушильных

¹ Указ Президента Республики Узбекистан № ПФ-60 от 28 января 2022 года «О стратегии развития нового Узбекистана на 2022-2026 годы»

устройств являются актуальными вопросами.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указах Президента Республики Узбекистан УП-60 от 28 января 2022 года «О стратегии развития нового Узбекистана на 2022 - 2026 годы», Постановлениях ПП-2694 от 23 декабря 2016 года «О мерах дальнейшего реформирования и развития научно-технической базы сельского хозяйства в период 2016-2020гг.», ПП-3117 от 7 июля 2017 года «О мерах дальнейшего развития научно-технической базы машиностроительной отрасли в сельском хозяйстве», ПП-3751 от 29 мая 2018 года «О дополнительных мерах по повышению эффективности оказания механизированных и сервисных услуг сельскохозяйственным товаропроизводителям», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

